«ТАСДИКЛАЙМАН»

Ёзёвон туман ХТБ мудири в.в.б

____________ Р.Турдиев

«__04__»____06______2022 й

# Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Мустарқиллик кучаси 53 уй жойлашган ХТБ тасаруффидаги 22-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш буйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Тайлов иштирокчилари учун йуриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙўРИқНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТи ВА ТАХМИНИЙ ҚЙМАТИ

1. Ёзёвон шахар, Мустақиллик кучаси, ХТБ га карашли 22-мактаб биносини жорйй таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

1.2. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник киймати илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

### ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Фаргона вилояти Ёзёвон туман ХТБ** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб агалади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Узбекистан, Фаргона вилоят Ёзёвон т Мустақиллик куча 53 уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов Фаргона вилояти Ёзёвон тумани ХТБ “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган шартларда утказилади.

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар яратишга ихтисослантган, камида 2 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эта булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

• 2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга. куйидаги малакавий талаблар куйилади: танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг эскизини курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаги миқдори.

3.3. Агар танлов предмета булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конуйчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларгатайлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув. молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодалаиган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унта тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгйланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерлаиган. ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булии талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник таклиф фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

® Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим. Офёрта хужжат тайёрланади.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битга таклиф бериши мумкин;

•• такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## ТАКЛИФЛАРНИ ТАВДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

4.6. Харид комиссияси танлов учунтаклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

4.7. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

4.8. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот портали жойлаштирилиши лозим.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.9. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузгаи шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

4.10. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган

тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

4.11. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигигаа жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгйланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда шнтирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киршилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тутрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясииинг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш купи ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тавдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш купи ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шарнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Курилиш булимии бошлиги: У.Турдиев